

Зино ҳалокатга элтади
Бу дард – нопок жинсий ҳаёт оқибати

Кексалар узоғини яқин қилиб
Давлат хизматлари уйда кўрсатилмоқда

ОИТСдан эҳтиёт бўлинг!

Аслимиз ва наслимизни асрайлик!

Тиббиётда ОИТС (ортирилган иммун танқислиги синдроми) деб аталувчи бу жирканч касаллик асосан жинсий йўл билан юқади. Касаллик манбаи ОИТС билан оғриган бемор.



Ўзбекистонда 2000 йилгача фақат катта ёшдагилар, асосан, гиёҳвандлар, жинсий шериклари нотайин, нопок фоҳишаларда учраб турарди. 2005 йилга келиб шу касалга йўлиққанлар сони 171 тага етди. Шундан 59 таси 2005 йилда қайд этилди. Ҳозирда барча вилоятларда ўнлаб беморлар ҳисобда туриши касалликнинг урчиб-кўпайиб кетаётганлигидан далолат. Аянчли ўлимга мубтало бўлаётган беморларнинг 50 фоизи 25-34 ёшдагилардир. Энг ачинарлиси, уларнинг ярами инсон насли давомчиси – ҳалқаси бўлмиш, туғиш ёшидаги аёллардир. ОИТС гирдобига тушганларнинг 34,4 фоизи касалликни қамоқхоналарда орттириб олган. Қўпчилиги вақтинчалик жинсий шерик топганлигини, эҳтиёт чораларини кўрмагани, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаганлигини яширмайди.

Мазкур соҳа мутахассисларидан бирининг сўзига асосан бу бемор касаллик, қарийб чорак асрдан буён даволаш чораларига амал қилиб яшаб келаётган беморлар борлигини эшитдик. Ҳомиладор бўлганларнинг ҳам туғиш пайтида жарроҳлик усулини қўллаб боласини соғлом сақлаб қолиниши тўлиқ кафолатли бўлмайди.

Таърибамиздан маълумки, айрим беморлар тарғиботларга ва касалликдан сақланиш

йўллариغا риоя қилмай, жинсий ҳаётни ўз билганича давом эттирганлиги туфайли ҳаётдан кўз юмади. Никоҳдан олдинги мажбурий тиббий кўрик пайтида келинларда ёки кўёвда касаллик борлигини била туриб никоҳга монъелик қилмаслик ҳолларини асло кечириб бўлмайди. Иқтисодий қийинчиликка ечим излаб, умрининг олтин даврида "узоқдаги куйруқ"ни орзулаганлар ҳам ахлоқий панд-ўғитларга риоя қилса, ўзига ва наслига зомин бўлгучи касаллик камаярмиди. Тиббий тарбиясиз, имон-эътиқоди суст инсонлар бор экан, билгучилар тинмай тарғибот қилмоғи лозим. Зеро, бир болага етти маҳалла ота, ахир, ОИТСга чалинганнинг бегонаси йўқ.

Тиббиётда бу давосиз дард, ОИТСга чалинганларга ишлатилган жарроҳлик тиги стерилизацияси сифатли қилинмаган тиббий

асбоб-ускуналар орқали ҳам ўтади. Кундалик ҳаётда косметология, сартарошхона, қулоқ тешиш, қош териш, хатна қилишда гигиенага риоя этмаслик оқибатида ҳам ушбу касаллик тарқалиши мумкин. Бир мутахассис-касбдошимиз оиласида соқол оладиган асбоб умумийлиги боис, бир нуруний отахон ҳам ушбу дардга чалинганлиги ёки қош тердириш туфайли боқира қиз ҳам бу касалликни орттириб олганини куюнчақлик билан айтди. Бу касалликнинг олдини илму одобимиз билан ололмасак, бири-минга, минги-оламага тарқалаверади. Аслимиз ва наслимизнинг заволи бўлмиш бу ажал уруғининг олдини олиш барчамизнинг бурчимиздир.

Жуманазар МАДИЕВ,
Ғайрат САБУРОВ,
Абдуқодир МАДИЕВ,
тиббиёт ходимлари.



Дилбархон ая Марҳаматдаги марказдан миннатдор

Марҳамат тумани давлат хизматлари маркази ходимлари марказдан олиш ҳудудда яшовчи аҳоли ва имконияти чекланган фуқаролар, кексалар учун уларнинг таклифига асосан сайёр давлат хизматларини кўрсатишда давом этади.

Тумanning Марҳамат қишлоғи Чаманзор кўчасида яшовчи фуқаро Дилбархон ая Нишоновна бу йил 84 ёшни қаршилайди. Кексалиги боис, марказга келиш имкони йўқ онахон анчадан буён қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш (якка тартибдаги уй жой қуриш объекти учун) давлат хизматини олиш учун Давлат хизматлари марказига боришга ҳаракат қилади. Яқинда у марказ томонидан сайёр давлат хизмати кўрсатилаётганлигини эшитиб, уларни ўз хонадонига таклиф қилди. Мутахассислар шу куннинг ўзида хонадонга келиб, тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштирдилар.

— Авваллари бунақа шароитлар бўлмаган. Бирор ҳужжатни олмақчи бўлсангиз, ўша ташкилотнинг биноси олдида "сарғайшингиз" керак бўларди. Шунда ҳам ходимларнинг кайфиятига қарардингиз. Бундан ташқари, пул бермасангиз, ишингиз ҳал бўлмасди. Эндичи, манави чиroyли қийиниб олган ўғил-қизларим шунча масофа босиб, олдимга келишди. Ҳужжатларим тайёр бўлгач қўлимга беришди. Иссиқ уйимдан чиқмасдан ишим ҳал бўлганидан хурсандман.

У. МАМАРАСУЛОВ,
ДХА Андижон вилояти бошқармаси
етақчи маслаҳатчиси.

РЕКЛАМА

JOHN DEERE

MONOSEM

"Моносем" компанияси пахта, мош, мақкажухори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ +[998] 90 325 49 99 +[998] 93 181 11 66 +[998] 78 150 76 66

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Лоқайд бўлмайлик!

Ўт балосидан асрасин, дея бежиз айтилмайди. Озгина эътиборсизлик, лоқайдлик хонадон эгаларининг бошига катта ташвиш солиши мумкин.

Шу йилнинг 21 февралда Тошкент шаҳри Олмазор тумани Сағбон кўчасида жойлашган 31-уйнинг болаҳонасида ёнгин чиққан. Кундузи 11 дан 45 дақиқа ўтганида бошлан-

ган ёнгин умумий майдони 230 м² бўлган уйни қуршаб олган. Ичкарида бўлган икки фуқаро қўтқарилган. Ўзимизни асраш ўзимизнинг ёнгин хавфсизлиги қоидалари-

га риоя қилишимизга боғлиқлигини асло унутмайлик!

М.ВАЛИЕВ,
Олмазор тумани ФВБ
ПеанБ инспектори,
катта сержант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzst@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Махсулотлар сертификатланган.

Тошкент тдан рўйхатдан ўтган "PERFECT FUTURE MEDICINE" (СТИР 304985014) М-ЧК устав фонди 1 000 000 (бир миллион) АҚШ долларидан 1 000 000 (бир миллион) сўмга камайтирилди. Мурожаат учун тел: (97) 700-55-38.

Тошкент ш. Яшнобод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ДХМ томонидан (26.04.2018 й. реестр 604118) рўйхатта олинган "RENT AND JOB" М-ЧК (СТИР 305514369) устав фонди 1 612 800 000 сўмдан 112 800 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

PLANETA SERVIS
ТРАКТОРВОР.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРА



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХУЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Бунортма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 5 131 нускада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.40

ISSN 2010-7023



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ